

Фаросатсизлик

21:02 / 22.04.2016 3125

Савол: Ассаламу алайкум, ҳурматли Шайх Ҳазратлари! Сизни ва бошқаларни ҳурмат қилмайдиган инсонлар жаҳлимни чиқаради. Сабаби, бу сайтда "ИЗЛАШ" хизмати бор. Бу хизматдан фойдаланишликка уларни фаҳм-фаросати етмаяптими, билмадим. Улар шу сайтга аъзо бўлишаётганда қонун қоидалар билан танишиб чиқишган (агар диққат билан ўқиган бўлишса). Шахсан мен шу "ИЗЛАШ" хизматидан анча саволларимга жавобни топаман. Барака топишсин бу сайт ходимлари, анча қулайлик қилинган. Аллоҳ таоло ажрларини берсин. Шу нарсаларга эътибор берилса, Ҳазратни, сайт ходимларин ва ўзимизни вақтимиз тежардик. Бу менинг ожизона фикрим. Аллоҳ ҳаммамизга раҳм қилсин.

Жавоб: Шу фикр жуда ҳам тўғри. Аммо баъзилар сиз айтган афсусланарли ҳолатдалар. Улар ўзининг вақтини ҳам, сайт ходимларининг вақтини ҳам, менинг вақтимни ҳам зое қиладилар. Бўлган бўлмаган нарсаларни сўрайдилар. Кўп марта такрорланган, арзимас нарсаларни сўрайдилар. Ўзларига ҳам, динларига ҳам, бошқаларга ҳам фойдаси йўқ нарсаларни сўрайдилар.